

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

JOURNAL
2022

№3

Бош мұхаррир:

Пардаев А.Х. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош мұхаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Сайдов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хұжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Ахмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Х. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Фойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярматов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Сайдқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомилов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Сайдов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Гофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали
**РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАРДА УСТРУШОННИНГ
ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ (IX-XIII АСРЛАР)**

Шарипов Олимжон Орипович
ЖДПИ ижтимоий-гуманитар
фенларни ўқитиши методикаси (тарих)
йўналиши 1 курс магистранти

Аннотация: Уибу мақола IX-XIII асрлардаги Уструшиона ҳудудининг умумий тузилиши, географик жойлашуви, дарё-ирмоқлари, тозлари, шаҳар маконлари ва аҳоли манзилгоҳлари ҳақида маълумот беради.

Калим сўзлар: Уструшиона, Истаравшан, Зомин, Ҳовос, Моргузар, Сангзор, Туятортар, Нурутат, Геродот, Афшиннийлар.

Аннотация: В данной статье приведены сведения об общей структуре, географическом положении, реках, горах, городских районах и поселениях территории Уструшины в IX-XIII веках.

Ключевые слова: Уструшана, Истаравшан, Замин, Ҳавас, Маргузар, Сангзор, Туятортар, Нурутат, Геродот, Афшиннийе.

Annotation: This article provides information about the general structure, geographical location, rivers, mountains, urban areas and settlements of the Ustrushona region in the IX-XIII centuries.

Keywords: Уструшана, Истаравшан, Замин, Ҳавас, Маргузар, Сангзор, Туятортар, Нурутат, Геродот, Афшинни.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган узвий ислоҳотлар илм-фан соҳасида, жумладан, ўтмиш тарихимизни изчил ва холис ўрганиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Мустақиллик яратиб берган имкониятлар туфайли Ватанимизнинг бой тарихи ва маданияти миллий истиқлол ғояси билан суғорилган ҳолда, янгича талқин ва таҳлил орқали ҳаққонийлик, ҳолислик руҳида яратилмоқда.

Уструшонанинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Жиззах маданий ўлкаси тарихи кейинги йилларда тадқиқот ўтказиш, ўрганиш меъзонларидан деярли четда қолган, онда-сонда ўтказилаётган илмий изланишлар кўлами кичик, мунтазамлик ва узвийликдан йироқ кўринишни касб этган. Ҳолбуки, - “Жиззах 2000 йилдан кўпроқ тарихга ва гўзал табиатга эга бўлган тарихий маскан. Ўзбек халқининг кўпдан-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган. Тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган” деб таъкидлаган биринчи президентимиз И.А. Каримов ушбу қадимий маскан тарихини ўрганиш даражасини қониқарсиз баҳолаб, мутаҳассисларни келгусида Жиззах тарихини мукаммал ўрганишга даъват қилган эди.¹

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Уструшона ҳақида сўз юритилганида даставвал унинг худуди, релефи, тоғлари, қир-адирлари, оқар сув ва ирмоқлари ҳақида маълумот бериш лозим бўлади. Уструшона қадимий давлатлар ғарбда Сўғд, шимолда Чоч (Чачан) ва Фарғона оралиғида жойлашган. Шарқ жуғрофларининг маълумотларига кўра, у ҳозирги шимолий Тожикистон тоғли туманлари жанубда Сирдарё вилоятининг Сирдарё ва Жиззах кенгликларини қамраб олиб, шарқда Сирдарё соҳилларигача етиб келган.

Яқин-яқинларгача бу сувга тақчил худуд ниҳоятда катта бўлиб, дашти биёбон ўз номига мос Мирзачўл деб юритилган. Қиши совук, ёзи жазирама иссиқ бўлган бу юртда ўз вақтида қўргон харобалари бўлган. Будда ташвиқотчиси Сюан-Цзан Уструшонани: “Жанубида тоғлар, шимолида чўл ҳукумрон ўлка”... деб таърифлаган. Улуғ бобомиз Загириддин Муҳаммад Бобур келтирган афсонага кўра, сўнгги ўрта асрларда ўлканинг номи “Ҳа дарвиш” бўлган. Яъни бу ерларда қор ва бўронли қаҳратон қишида дарвишлар бир-бирларини “Ҳа, дарвиш”, Ҳа дарвиш” деб излашган.²

Уструшона худудида ҳам бир қатор оқар сув манбалари мавжуд бўлиб, қадимий уструшоналиклар мана шу оби ҳаёт ҳавзалари бўйида дастлабки маконларни бунёд этиб ҳаёт кечирганлар. Ушбу сув манбаларини умумлаштирган ҳолда учта тарихий географик худудга бўлиб қайд этиш мумкин.

1. **Марказий Уструшона сув манбалари.** Мазкур сув манбалари таркибига -Басмандасой, Каттасой, Шахристонсой, Нижонисой, Қипчоқсой каби сойлар киради. Бу сойлар Туркистон тизмаларининг шимолий унгурларидан бош олади ва жануб-шимол йўналиши бўйича Шахристон, Ўратепа мавзелари томон оқади.

2. **Шимолий Уструшона сув манбалари.** Ушбу сув манбаларини – Зоминсой, Хўжамушкентсой, Мўғолсой, Тоғобсой, Сармичсой, Шўрбулоқсой, Жалойирсой, Пишағорсой каби сойлар ташкил қиласди. Бу сойларнинг аксарияти (Зоминсой, Хўжамушкентсой) Туркистон тизмаларидан бош олади, баъзилари эса маълум сойнинг қуи оқимида бошқача ном билан аталади. Масалан, Нижонисой - Шўрбулоқсой, Намгансой - Мўғолсой ва ҳ.к.

3. **Шимолий-ғарбий Уструшона сув манбалари.** Санѓзор дарёси, Қили, Оқбулоқ, Жарбулоқ, Сайхонсой, Кўрпасой, Равотсой, Осмонсой, Илончисой, Мажрумсой каби дарё, сой ва булоқлар ушбу сув манбаларининг асосини ташкил қиласди. Шунингдек, қадимдан Зарафшондан маълум миқдордаги сув Туятортар шоҳ ариғи орқали Санѓзорга ташланган ва шимолий-ғарбий

² А.А.Грицина, М.Содиков “Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда” Самарқанд. 2010

Тарих ва Жамият илмий журнали

Устронанинг дехқончилик хўжалигига сарфланган. Ушбу сунъий оқар сувинишиотини Кушонлар даврида бунёд этилгани ҳақида ҳам фикрлар мавжуд.³

Жанубдан Туркистон, Моргузар, ғарбдан Нурота тизма тоғлари билан ўралган Уструлонанинг муҳим шимолий-ғарбий ўлкаларидан бири Жиззах воҳаси қадимги Зарафшон дарёси ҳавзасидаги дехқончилик мавзелари учун муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга «шарқий дарвоза», мамлакатнинг шимолий, кунчиқар томон ўлкалари учун ўз навбатида “ғарбий дарвоза” вазифасини ўтаган. Ўрта асрларнинг IX-X асрларида Жиззах қўчманчи, чўл қабилаларнинг талончилик юришларига қарши зарба берувчи ислом лашкарлари-ғозийлар қароргоҳига айланган.⁴

Уструона мамлакатининг географик жойлашуви, аҳолиси, унинг турмуш тарзи ва хўжалиги, шаҳар қишлоқлари ва ундаги моддий, маданий ҳаёт тўғрисида антик давр муаллифлари асарларида жуда кам маълумотлар қайд этилган. Лекин, Турон юрти ўлкалари ҳақида ўз асарларида қисман маълумотлар қайд этган, тарих отаси Геродот (мил.эр.авв. Vacr), тарихчилар Полибий (204-122), географ Страбон (мил.эр.авв I аср–мил I аср), тарихчилар Диодор (мил.эр.авв I аср охири–мил I аср боши) Помпей Трог (мил.эр.авв. I аср-мил. Iаср), аллома Катта Плинний (мил.I аср), ёзувчи Квинт Курций Руф (мил. I аср), таниқли тарихчи Ариан (мил.I-II аср), географ Дионисий Перистет (мил.II аср), машҳур астроном ва географ Птолемей (мил.II аср) ларнинг фикрларидан Уструонада кечган муайян тарихий жараёнларни ижтимоий ўзгаришларни тушуниш учун фойдаланиш мумкин.⁵

“Тан сулоласи тарихи”–Тан-шу (618-907-йиллар)нинг 1060-йилда муаллиф Оу Янаю томонидан қилинган иккинчи таҳрири 221-бобида биринчи марта Уструона мамлакатига қисқача таъриф ва тавсиф берилган. Ал-Ином Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳъё ибн Жабир ал-Балазурий (вафоти 892й) қаламига мансуб “Китоб футух ал-булдан” (“Мамлакатлар истилоси китоби”) номли навбатдаги тарихий асар Мовароуннаҳр ва Хурросон ўлкалари, жумладан Уструона мамлакатининг арабларгача, араб истилоси ва ундан кейинги даврлар тарихи учун ат-Табарий китобидан қолишмайдиган ва ҳатто унда қайд этилган баъзи сиёсий воқеаларга бағишлиланган саҳифаларини тўлдирадиган муҳим ёзма манбадир. Салжуқий сultonлар ҳукмронлиги даврининг таниқли намоёндаларидан бири, бош вазир Абу Али ибн Али Тусий Низомулмулк(1018-1092)нинг машҳур асари «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ул-мулук» «Подшоҳлар турмуши») китобидан ҳам Ҳайдар ибн Ковус фаолиятига доир баъзи маълумотларни олиш мумкин. Уструонанинг сиёсий тарихи бўйича Иzzаддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Асир (1160-1234) нинг йилнома усулида яратилган «Ал-Комил фи-т-тарих» («Тарих

³ М.Х. Пардаев, Ж.И. Фофуров “Уструонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари” Тошкент – 2016

⁴ М.Х. Пардаев, Ж.И. Фофуров “Уструонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари” Тошкент – 2016

⁵ Ўша манба

Тарих ва Жамият илмий журнали

бўйича мукаммал мажмуа») асари ҳам эътиборли ёзма манбалар қаторидан ўрин олади. Ал-Истахрий ва ибн-Хавқал қаламига мансуб ушбу асарларда Уструшонанинг қисқа, лекин нисбатан анча тўлиқ тавсифи, мамлакатнинг географик жойлашуви ва чегаралари, Бунжикат, Зомин, Дизак (Жиззах) шаҳарларининг тарихий топографияси, уларнинг атрофидаги манзиллар-қишлоқлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.⁶

Бобурномада “Усрушна” атамаси билан қайд этилган муайян мавзе сифатида Бунжикат – Шаҳристон ва Ўратепа атрофлари тушунилган.

Хулоса қилиб айтганда Уструшона ҳудуди жанубий-ғарбий томондан тоғлар билан ўралган, шимолий-ғарбий қисми кенг дашт ва чўллар, шарқий қисми эса Чоч ва Фарғона водийси билан чегараланган. Ушбу кенг ҳудудга ислом дини ва маданияти қарор топгандан сўнг бу мамлакатдан кўплаб Уструшонийлар, Дизакийлар, Зоминийлар, Хавосийлар, Пишағорийлар етишиб чиққан ва бу алломалар диний, дунёвий фанларнинг турли йўналишларида самарали фаолият олиб борганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.
2. А.А.Грицина, М.Содиков “Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда” Самарқанд-2010
3. М.Ҳ. Пардаев, Ж И. Фофуров “Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари” Тошкент – 2016

⁶ М.Ҳ. Пардаев, Ж И. Фофуров “Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари” Тошкент – 2016